

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаэнс назорати

Хужжат номи:	“Узтрейд” акциядорлик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш бўйича СИЁСАТИ	Хужжат белгиси:	04
Амал қилиш муддати:	3 йил	Таҳрир:	1

“Узтрейд” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 05 даги 8-н-сон буйругига 4 -илова

“Узтрейд” акциядорлик жамиятининг худудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш
РЕГЛАМЕНТИ



1-Боб. Умумий коидалар

1. Мазкур Регламент “Узтрейд” акциядорлик жамияти ва таркибий бўлинмалари, уларнинг худудий ва таркибий бўлинмалари (“Узтрейд” акциядорлик жамияти кейинги ўринларда – Жамияти)да коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Жамиятдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Жамиятраҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони – Жамиятга телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

мурожаатчи – алоқа каналлари орқали Жамиятдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, жамиятларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳукуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳукуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва ички хужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Жамиятходимлари

томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Жамиятномидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

таалуқли хабар – Жамиятдаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – Жамият билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. Жамият коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфеденциаллик ва хавфсизлик – алоқа каналларидағи хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Жамиятнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Жамиятунинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – Жамияталоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равища Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Жамиятходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Жамияттомонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Жамияттайбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қиласи.

2-Боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. Таалуқли хабар қуйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

Жамиятнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун Facebookдаги расмий саҳифаси (<https://www.facebook.com/>_____)) орқали;

Жамиятнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Жамиятнинг телеграм боти (@_____ _bot)

Жамиятга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

хуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Жамияталоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Жамиятбиносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

3-Боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш

7. Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) Жамиятнинг алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишига масъул ҳисобланади.

8. Жамиятнинг қўйидаги алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги жамиятларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва Жамиятнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Жамиятраҳбарига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

Жамиятнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Жамиятнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Жамиятга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Ички назорат тузилмаси масъул ходими тайинланади.

Бунда, таалуқли хабар келиб тушганда Ички назорат тузилмаси масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Жамиятраҳбарига киритади.

Ички назорат тузилмаси масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қиласди. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, хужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфеденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар таалуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Жамиятраҳбари таалуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Жамиятнинг Ички назорат тузилмасига топшириқ туширади.

12. Жамиятнинг Ички назорат тузилмаси таалуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичидан уни иловага мувофиқ шаклда Жамиятда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13. Жамиятмурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Жамиятнинг маъсул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Жамиятга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қиласди (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Telegramдаги махфий чат ва.б.);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

13. Жамиятходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий хукуқбузарликларни содир этишининг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини тақомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

14. Олинган хабарлар бўйича барча таалуқли материаллар, хужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Мурожаатлар билан ишлаш тузилмасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

15. Таалуқли хабар жамиятнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда ҳудудий (таркибий) бўлинма раҳбари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулни (мавжуд

бўлса) келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қиласи, улар ўз навбатида ушбу хабарни Жамиятнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмасига юборади. Ички назорат тузилмаси олинган хабарни 11-бобида баён этилган тартибга мувофиқ кўриб чиқади.

16. Жамиятнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ўзларининг Реестрини юритади.

4-Боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

17. Ички назорат тузилмасига келиб тушган барча таалуқли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки Жамиятраҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

18. Коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан таалуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

19. Таалуқли хабар келиб тушганда Ички назорат тузилмаси ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалуқлилигини таҳлил қиласи, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Жамият тизимига таалуқли коррупцияга оид хукуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш таалуқли хабар Ички назорат тузилмасига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

20. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

21. Агар Ички назорат тузилмаси ходими хабар таалуқли эмас деган хulosага келса, бу хабар бир иш куни ичида Жамиятнинг тегишли тузилмасига билдирги асосида ўтказилиши лозим.

22. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текшируванин ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Ички назорат тузилмаси ходими ички идоравий хужжатда белгиланган тартибда хизмат текшируванин ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

23. Таалуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Жамиятга келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, кўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, жамиятнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоги билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

24. Мурожаатга жавоб Ички назорат тузилмаси томонидан тайёрланиб, жамиятраҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

25. Таалуқли хабарларни кўриб чиқиш яқунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

26. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган таалуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади.

5-Боб. Ҳисобдорлик

27. Реестрдан Ички назорат тузилмаси ходимлари, хабарларни қўриб чиқишида иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва жамиятларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Жамиятрахбари ёки раҳбарнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринbosари фойдаланиши мумкин.

28. Реестр маълумотлари асосида Ички назорат тузилмаси ҳар чоракда Жамиятрахбарига қабул қилинган коррупциявий харакатлар тўғрисидаги хабарларга тааллуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган таалуқли хабарлар ва қўриб чиқилган таалуқли хабарлар сони;

коррупциявий харакатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган таалуқли хабарлар сони;

кўриб чиқиш муддатлари бузилган таалуқли хабарлар сони;

таалуқли хабарларни қўриб чиқишининг ўртача муддати;

мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

6-Боб. Якуний қоида

29. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

30. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта қўриб чиқилиши лозим.

“Узтрейд” акциядорлик жамияттинг худудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўнгрисида келиб тушган хабарларни кабул килиш ва кўриб чикиш регламентига илова

Жамиятда коррупцияга оид харакатлар хакидаги хабарларни қабул қилиш РЕЕСТРИ